



Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмаси

Бошлиги КТМП мудири

А.Ибрагимов

« _____ » март 2022 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Хизматлар ҳажми – Кийимларнинг ойига тахминий ҳажми: 2 425 кг. Кийимларнинг 12 ой учун тахминий ҳажми: 29 100 кг. Кийимларни олиш ва етказиб бериш ҳар куни амалга оширилиши керак.

Хизмат кўрсатиш қиймати – 1 кг кийим учун 5 500,00 сўм.

Хизмат кўрсатиш шартлари (даврлари): шартнома тузилган пайтдан бошлаб 2022-йил 31-декабргача.

Хизмат кўрсатиш жойи: Кийимларни олиш ва етказиб бериш (ҳисоб-фактуралар кўчирмаси билан) Ижро этувчи томонидан Буюртмачининг манзили бўйича амалга оширилади.: Кибрай тумани Марказий 157

Сифат ва ишончлиликлка бўлган талаблар:

Ювиш учун фақат барча зарур санитария меъёрларига жавоб берадиган юқори сифатли кимёвий ва тозалаш воситаларидан фойдаланиш. Ювилгандан сўнг, кийимлар одамлар учун хавфсиз бўлиши керак.

Ижро этувчининг айби билан йўқолган кийимнинг қийматини қайтариб бериш Ижро этувчи томонидан кийимни қайта ишлаш учун топшириш вақтида эскириш даражаси ва нуқсонлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда сотиб олинган товарларнинг нархлари бўйича амалга оширилади. Кийимни ювиш сифати Буюртмачини қониқтирмаса, Ижро этувчи хизмат ҳақини қайта ундирмасдан кийимни қайта ишлашга мажбурдир. Ижро этувчи хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилган ҳолда хизматнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаши шарт (кийим биологик субстратлардан ювилиши керак). Ювилмаган қон доғлари бўлган, бегона хидлар мавжуд бўлган, шунингдек, ёмон ювилган кийимлар Ижро этувчига қайтарилади ва Ижро этувчи ҳисобидан 2 кун ичида ювилади.

Хизматлар қуйидаги меъерий-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилади: Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги ЎРҚ-393 - сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни; СанПиН 0342-17-сонли “Касалхона ичидаги инфекцияларни олдини олиш” - О’зДSt 995:2001 “Хизматлар. Асосий қоидалар”.

Бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоблар қуйидаги шароитлар бажарилганда 1 кг қурук кир кийимнинг оғирлиги бўйича ассортиментда амалга оширилади:

- хизмат муддати 4 дан 8 соатгача, шошилиш ювиш режимида, ҳафтада 7 кун, дам олиш кунларисиз амалга оширилади.

- дам олиш ва байрам кунларида хизматлар кўрсатиш нархини ўзгартирмаган ҳолда хизматлар кўрсатиш.

- кийим тоза, доғсиз, дазмолланган бўлиши керак.

- дазмоллашдан кейинги кийимлар қурук, яхши дазмолланган, ажинларсиз, бурмаларсиз ва матоларнинг хиралашувисиз бўлиши керак.

- кийимни юклаш, ташиш, тушириш ва қаватга кўтариш Ижро этувчи томонидан ўз маблағлари ва

Ижро этувчининг ўз кучлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижро этувчи кийимнинг шикастланиши ва йўқолиши учун унинг тўлиқ нарҳини коплаш орқали, эскириш фозини ҳисобга олган ҳолда жавобгар бўлади. Кийимнинг шикастланиши ёки йўқолиши факти иккала томон вакиллари томонидан далолатнома тузиш орқали аниқланади. Кийим шикастланган, алмаштирилган ёки йўқолган тақдирда, Ижро этувчи кийимнинг қолдиқ қийматини коплайди ва (ёки) шикастланган кийимни алмаштиради.

Қадоқлашга бўлган талаблар:

Ювиш ва дазмоллашдан сўнг, кийимларни буклаш ва қадоқлаш керак. Нам кийимларни қатлашга йўл қўйилмайди. Кийимлар турига кўра таснифланиши керак.

Гигиеник талаблар: Кир ювиш хонаси жойлашуви технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) назарда тутиши керак, тоза ва кир кийим оқимларининг кесишишига йўл қўйилмайди. Кир ювиш хонасида бир-биридан аниқ ажратилган иккита бўлинма бўлиши керак: тоза ва кир. Ювиш эритмаларини тайёрлаш учун воситалар уларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Ювиш эритмаларини тайёрлаш реактор хонасида тасдиқланган кийимларни ювиш технологиясига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади. Кийимларни ювиш жойлари тоза сақланиши керак. Барча хоналарни нам тозалаш ҳар куни амалга оширилади. Умумий тозалаш ҳар ойда бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекциялаш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекциялаш воситалари қўлланилади. Кир ва тоза кийимни тўғридан-тўғри полда сақлашга йўл қўйилмайди. Тоза кийимни тарқатиш фақат қадоқланган ҳолатда амалга оширилади. Автотранспорт воситалари, махсус аравалар ва тоза кийимларни ташиш учун мўлжалланган бошқа қурилмалар дастлабки дезинфекциядан ўтказилади. Автотранспорт воситаларининг мавжудлиги.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 16-СОНЛИ ҚАРОРИ ВА САН.ПИН.0342-17-СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ АУТСОРСИНГ КИР ЮВИШ ХИЗМАТЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

1. Палата чойшаблари

1. Дезинфекциялаш камерасида стерилизация қилинган бўлиши, сўнгра гипоаллерген порошок кукунида ювилган бўлиши керак, буни мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиология хулосаси тасдиқлайди.

2. Ювилган кирлар крахмалланган, дазмолланган бўлиши ва туғруқ комплекси логотипли (чойшаб, кўрпа жилд, ёстик жилди) жойлаштирилган бўлиши керак.

3. Қадоқланган чойшаблар банерли полотно – матодан тайёрланган қопларга ҳар бир бўлим учун алоҳида тахлаб жойланади (қоп ўлчами 1*1,2м)

4. Кирларни олиб кетиш ва етказиб бериш кунига 1 марта ҳафтасига 7 кун

5. Матраслар, ёстиклар, одеялоларга беморлар касалхонадан чиқарилганидан кейин камида ҳафтада 1 марта дезинфекциялаш камерасида қайтадан ишлов берилиши керак.

2. Операция чойшаблари

1. Дезинфекциялаш камерасида стерилизация қилинган бўлиши, сўнгра натрий гипохлорид эритмасига ивителиб қўйилади, кон доғлари суюқ хўжалик совуни билан ишқаланади, кейин совук сувда чайилади ва гипоаллерген порошок кукунида ювилади.

2. Ювилган кирлар дазмолланган ва бир марталик қопларга тахлаб солинган бўлиши керак.

3. Кирларни олиб кетиш ва етказиб бериш кунига 2 марта, ҳафтасига 7 марта

4. Чойшаблардаги кон доғлари ёки бошқа доғлар кетмаган ҳолларда, чойшаблар жарроҳлик чойшаблари стандартларига мос келадиган янги тоза чойшабларга зудлик билан алмаштирилиши керак.

5. Жарроҳлик бригадасининг униформаси дезинфекция ишловидан ўтиши ва операциядан кейинги кон теккан кирлардан алоҳида ювилиши керак.

3. Кирхонага қўйиладиган талаблар

1. Кир ювиш хонасининг жойлашув тартиби технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) таъминлаши керак, тоза ва ифлос кир оқимларининг бир вақтда келишига йўл қўйилмайди ва булар тегишли кадастр ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. Кир ювиш хонаси бир-биридан аниқ ажратилган иккита бўлинма: тоза ва ифлос кирлар бўлинмасидан иборат бўлиши керак.

3. Тозаловчи эритмаларни тайёрлаш воситалари уларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Тозалаш эритмаларини тайёрлаш реактор хонасида, тасдиқланган кир ювиш технологиясига қатъий равишда амал қилган ҳолда амалга оширилади.

4. Кир ювиш хоналари тоза сақланиши керак. Ҳар куни барча хоналарда нам тозалаш амалга оширилади. Умумий тозалаш ойига бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекция қилиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекция воситаларидан фойдаланилади. Кир ва тоза чойшабларни бевосита полда сақланишига йўл қўйилмайди.

5. Кир ювиш хонаси фақат тиббий муассасалар учун мўлжалланган бўлиши керак, аҳоли, ўқув муассасалари, меҳмонхона мажмуалари ва ҳоказоларга хизмат кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

4. Асбоб-анжомлар ва автотранспорт воситаларига қўйиладиган талаблар

1. Тоза кирларни транспортда ташиш учун мўлжалланган махсус аравачалар ва бошқа курилмалар олдиндан дезинфекция қилиниб, ишлов берилади.

2. Кирларни йиғиш ва етказиб бериш, шунингдек ювиш ва дезинфекциялаш воситаларини етказиб бериш учун фойдаланиладиган автотранспорт воситаларига кунига 2 марта дезинфекциялаш аппарати ёрдамида натрий гипохлорид билан ишлов берилиши керак. Автотранспорт воситаларининг маркаси Дамас / лабо/ исузу / газель бўлиши, поли линолеум / клеёнка билан қопланган, орқа ўриндиқлар бўлмаслиги керак.

5. Ходимларга қўйиладиган талаблар

Барча ходимлар:

Кир ювиш бўйича оператор

Кирларни дазмоллаш бўйича оператор

Кирларни ҳисобга олиш ва таксимлаш бўйича оператор

Биноларни тозалаш бўйичас санитарлар

Асбоб-анжомлар ва автотранспорт воситаларига ишлов бериш бўйича санитарлар

мунтазам тиббий кўрикдан ўтишлари учун тиббий дафтарчалар ва Сан.ПиН нинг 03/42 – 17-сонли қарорига мувофиқ бир йилда бир марта САН.МИНИМУМдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлишлари керак.

Бази́рлар Маҳкамасининг 10.01.2020 йилдаги 16-сонли аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилгунга қадар сифатни назорат қилиш ва СанПиннинг №0342-17-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида кирхона хизматлари бажарилиш жараёнини аудит текширувдан ўтказди.